

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.30.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АМРИДДИНОВА НАЗИРА ШАМСИДИНОВНА

**КОНТЕКСТДА ФРАЗЕОЛОГИК СЕМАНТИКАНИНГ
АКТУАЛЛАШИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (ҲОЗИРГИ ИНГЛИЗ ТИЛИ
МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Амриддинова Назира Шамсидиновна

Контекстада фразеологик семантиканинг актуаллашув тамойиллари
(ҳозирги инглиз тили материаллари асосида) 3

Амриддинова Назира Шамсидиновна

Принципы актуализации фразеологической семантики в контексте
(на материале современного английского языка) 29

Amriddinova Nazira Shamsidinovna

Principles of actualization of phraseologic semantics in context
(on the base of modern English language) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.30.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АМРИДДИНОВА НАЗИРА ШАМСИДИНОВНА

**КОНТЕКСТДА ФРАЗЕОЛОГИК СЕМАНТИКАНИНГ
АКТУАЛЛАШИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (ҲОЗИРГИ ИНГЛИЗ ТИЛИ
МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1213 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бушуй Татьяна Анатольевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ризаев Баходир Хайдарович
филология фанлари доктори, профессор

Расулов Зубайдулло Изомович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03.30.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2021 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

И.М. Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.С. Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги бугунги кунда лингвистик тараққиётнинг ўтган даврларида ўрганилган масалалар тавсифига қайта муурожаат этишга эҳтиёж сезмоқда, аммо мазкур масалалар ечими лисоний вазиятга янгича қараш орқалигина ҳал этилади. Замонавий тилшуносликда фразеосемантика соҳасида тадқиқотлар фаол амалга оширилмоқда. Ушбу масалага қизиқиш ижтимоий ҳаётда юз бераётган изчил инновацион жараёнлар, кишиларнинг амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжининг ортиши, айрим қадриятлар мезонларининг қайта баҳоланиши, тил бирликлари ва уларни семантикасининг янгича талқинлари, миллий тилларга неологизмларнинг юқори суръатлар билан сингиб бориши ҳамда окказионализмлар шаклланиши ва бошқалар сабабли кучаймоқда.

Бу, айниқса, муайян контекстда фразеологизмлар вариантларининг юзага келишида қўлланилган механизмларни, окказионал семантик трансформацияларни, хусусан, фразеологизмларнинг таркибий қисми бўлган компонентлар алмашинуви тамойилидан фойдаланиш, фразеологик бирлик (ФБ) маънолари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва уларнинг қўлланишини ёритиш, тавсифий таҳлил жараёнида ФБнинг семантик кенгайишининг нозик механизмларини тўлақонли очиб бериш билан боғлиқдир. Бундай ёндашув фразеологизмларнинг номинатив-коммуникатив тамойили трансформацияланган фразеологизмларнинг фразеосемантикасини экстралингвистик омиллар кўзгусида ҳамда модификацияланган фразеологик номинацияларни энг майда деталларигача ўрганиш имконини бериши сабабли юзага келди.

Ишда коммуникатив аспектда ФБ фаоллашуви тамойилларининг истиқболини ўрганиш имкониятлари инобатга олинган ҳолда фразеологизмларнинг семантик вариацияларининг турли кўринишларини тизимлаштириш имкониятига катта эътибор берилди. Ушбу тил бирлигини ташкил этувчи сўз – компонентни алмаштириш воситасида фразеологизмлар ифодалаётган реалияларнинг янада аниқ белгилашга эришилади. Бунинг барчаси, натижада, ФБ маъносини мукамал тушуниш ва мулоқот актида тўғри фойдаланишга эришиш билан боғлиқ прагматик вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистон жамияти олдида турган вазифаларни ҳал этишда илм-фаннинг роли катта. «Биз ўз олдимизга ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш вазифасини қўйдик, бунга эса фан, маърифат ва инновацияларга таянган ҳолда фақат жадал ислоҳотлар ўтказиш орқали эришамиз»¹. Тадқиқотда ФБ маъноларининг мазмуни услубий нуқтаи назардан ҳамда номинатив ва коммуникатив вазифаларда бир

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муурожаатномасидан: “Бизнинг буюк ва доно халқимиз ўз тарихида шарафли саҳифаларни очишга қодир” // «Халқ сўзи» газетаси, 25.01.2020. №19 (7490).

хил кўлланадиган фразеологизмларнинг окказионал ўзгаришлари билан алоқадор жихати ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги №610-сонли «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада тадқиқот хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносларнинг фразеосемантика тадқиқи билан шуғулланиши ўзининг кўп йиллик тарихига эга. “Фразеология” атамасини илмий истеъмолга киритган Шарль Балли уни “стилистиканинг боғланган сўз бирикмаларини ўрганувчи бўлими» сифатида изоҳлайди. Мазкур соҳа айни даврда ҳам тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. ФБ мазмунининг фаоллашуви масаласи билан кўплаб ҳам хорижий, ҳам маҳаллий олимлар, жумладан, Ю.Ю. Авалиани, Н.Н. Амосова, А.М. Бушуй, В.В. Виноградов, В.Г. Гак, В.П. Жуков, М.М. Копиленко, А.В. Кунин, Е.А. Малиновский, А.Э. Маматов, В.М. Мокиенко, З.Д. Попова, Л.И. Ройзензон, В.Н. Телия, М.И. Умархўжаев, И.И. Чернишёва, Н.М. Шанский, А.Р. Cowie, F. Chitra, W. Fleischer, J. Häusermann, A. Naciscione, А.М. Эмирова, Б. Юлдашев ва бошқалар шуғулланишган.

ФБ ўрганиш белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда турли муаммолар нуқтаи назаридан амалга оширилган. Айрим тадқиқотларда фразеосемантика қиёсий планда тадқиқ этилган бўлса², бошқаларида ФБ таркибий-семантик хусусиятлари³, аниқ фразеологик мазмун хусусиятлари⁴,

²Сакаева Л.Р. Сопоставительный анализ фразеологических единиц антропоцентрической направленности (на материале русского, английского, таджикского и татарского языков): Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. – Уфа: БГУ, 2009. – 35 с.; Насруллаева Н.З. Гендерные концепты в английской и узбекской фразеологии //Монография. – Ташкент: ан ва технологиялар», 2018. – 144 с.

³Мингазетдинова Р.Ф., Мухтаруллина А.Р. Семантический анализ внутренней формы фразеологических единиц со значением «устная речь» (на материале английского языка) // Перспективы Науки и Образования. Международный электронный научный журнал ISSN 2307-2334 pnojurnal.wordpress.com/archive – М., 2018. – №6 (30). – С 133-138.

⁴Умарходжаев М.Э. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – 133 с.; Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. – Андижон: АДТПИ, 2010. – 150 б.; Bushuy T.A. Phraseological Equivalentation as a Problem of Contrastive Lexicography // Contrastive Linguistics. – Sofia, 1996. №1. – P. 30-35.

контрастив лексикографияда фразеологик эквивалентлик ходисалари, шунингдек, инглиз тили фразеологик бирликларининг семантик деривацияси муаммолари⁵ ва бошқалар ўрганилган.

Бироқ фразеология соҳасидаги қатор тадқиқотларга қарамасдан, инглиз фразеосемантикасининг баъзи аспекти етарли даражада ёритилмаган. Ушбу тадқиқот фразеосемантик ўзгаришлар билан боғлиқ ФБ таркибидаги компонент-сўзларнинг алмашинуви муаммосини комплекс таҳлил этиш имконини берувчи коммуникатив-прагматик тамойилини қўллаш асосига қурилган, шунингдек, туб фразеологизмларнинг прагматик имкониятларини кучайтириш мақсадида тавсифий таҳлил ёрдамида фразеологик мазмуннинг ўзига хослигини ёритишга йўналтирилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Тил ва нутқ тизимида тил бирликлари таҳлили» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ФБ семантикасининг матндаги ўзгариш имкониятларини аниқлаш, фразеологизмлар мазмунининг турли шаклларини ўрганиш, ФБ моҳиятидаги мавжуд имкониятлар ҳамда инглиз тилидаги фразеологизмлар маънолари хилма-хиллигининг чегарасини ёритиш, бунда фразеологизмдан ҳам узуал, ҳам окказионал шаклда фойдаланиши мумкин бўлган муайян маъно типини ҳосил қилувчи вазиятларга алоҳида урғу бериш ҳамда номинатив, коммуникатив ва прагматик жиҳатдан ФБ таркибий қисми алмашинуви таҳлилини ўтказиш кабилардан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- фразеологизмлар маъноси ва уларнинг турли кўринишларини контекстуал ўзгаришлари тизимининг ўзига хосликларини ўрганиш ва контекстда фразеологизмлар маъноси ўзгаришига олиб келувчи асосий сабабларни асослаш;

- ФБ маъно ўзгаришлари амалга ошириладиган типик вазиятларни ҳамда контекстда фразеологизмлар маъно ўзгаришлари чегарасини тадқиқ этиш;

- луғат мақолаларида акс этган контекстда ФБ маъноларининг турли вариантларининг рўёбга чиқиш имкониятларини аниқлаш мақсадида инглиз тили ФБ семантикасининг лексикографик фарқларидаги аниқлик ва муқобилликни белгилаш;

- ФБ маъноси ўзгаришига олиб келувчи фразеологизмлар таркибидаги сўз алмашинуви механизми тамойилларини аниқлаш ва моҳиятини ёритиш;

⁵Бушуй А.М. К изучению деривационных процессов во фразеологии (на материале русского языка) // Проблемы фразеологии. – Тула: Издательство ТГПИ им. Л.Н.Голстого, 1980. – С. 53-59; Щербань О.В. Роль метафоры и метонимии в семантической деривации английских фразеологических единиц // Когнитивное моделирование семантики разноструктурных единиц языка. - М.: ИПК МГЛУ «Рема», 2011. – С. 104-112.

- прагматик имкониятлари нуқтаи назаридан базавий ФБ потенциал имкониятларини кучайтириш воситаси сифатида алмаштирув усулларидан фойдаланишни асослаб бериш;

- лингвистиканинг номинатив аспекти жиҳатидан фразеосемантик ўзгаришлар ҳам кузатиладиган типик окказионал тузилмаларни кўрсатиб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида турли контекстларда қўлланилишида семантик имкониятларини аниқлаш нуқтаи назаридан инглиз тилининг фразеологик бирликлари хизмат қилди.

Тадқиқот предметини контекстда узуал ва окказионал қўлланилган ФБ семантикасининг фаоллашув вазиятларини ўрганиш билан бирга, инглиз фразеологизмлари маъно ўзгаришларининг турлича типлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Контекстда фразеологик семантиканинг фаоллашуви тамойилларини ўрганиш контекстуал таҳлил методига таянади. Тадқиқот жараёнида, шунингдек, ўрганилаётган тилда ўзига хос маъно ўзгаришларини ва турли ҳодисалар аломатларини аниқлашга имкон берувчи фразеологик идентификациялаш методи, қиёслаш методи, тавсифий ҳамда трансформацион усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилигини қуйидагилар ташкил этади:

- фразеологик бирликларнинг денотатив, коннотатив ва контекстуал семантик маъно белгилари ҳамда контекст сатҳдаги узуал ва окказионал алоқалари аниқланган;

- инглиз тилидаги фразеологик бирликлар контекстуал ва луғавий маъноларининг турғун ва ўзгарувчан жиҳатлари ўртасидаги муносабатлар бадий асарлардан танланган контекстлар мисолида исботланган;

- контекстда фразеологик бирликлар семантик вариантлари стилистик ва прагматик имкониятларини аниқлаш мақсадида инглиз тили фразеологизмларининг лексикографик жиҳатдан тўғри ва аниқ ёритилиши мақсадида илмий-методологик тавсиялар ишлаб чиқилган ва таҳлил жараёнига татбиқ қилинган;

- фразеологик бирликларнинг турли контекстларда семантик ўзгарувчанлиги имкониятларининг узуаллик ва окказионаллик доирасидаги семантик майдони чегараси аниқланган;

- фразеологик бирлик таркибидаги компонент-сўзларнинг номинатив вазифаси, коммуникатив мақсад ва стилистик-прагматик маъноси нуқтаи назаридан алмашинуви далилланган;

- фразеологик бирликлар маъноларининг окказионал трансформациялари асосий семантик, лексик ва синтактик турлари аниқланган ва уларнинг мураккаб номинация ташкил этишига кўра вазифавий моҳиятини далилловчи лисоний омилларнинг тасниф мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- тадқиқотнинг амалий натижаларидан лексикология, фразеология, стилистика, матн лингвистикаси каби назарий фанлардан ўқув адабиётларини

яратишда ҳамда ушбу фанлардан семинар машғулотларида ўтказишда фойдаланилади;

- диссертация мазмуни ва натижалари фразеологик бирликларнинг семантик вариантларини ҳосил қилиш мумкин бўлган турғун вазиятларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тилшунослик фанида кенг қўлланиладиган тегишли метод ва ёндашувлардан фойдаланилганлиги, шу соҳада амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар танқидий назар билан таҳлил қилинганлиги, таҳлилга жалб этилган далилий лисоний материал ҳажмининг катталиги, илмий иш натижаларининг тадқиқотга оид назарий ҳолатларга мувофиқлиги, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижалар жорийланишининг расмий ваколатли ташкилотлар тамонидан тасдиқланганлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Инглиз тили фразеологизмлари семантикасини фаоллашув принциплари тадқиқи ўтказилишида ФБ мазмун хилма-хиллигига ҳамда фразеосемантик окказионал тузилмаларда, фойдаланиладиган ўзига хос механизм сифатида, фразеологизмларнинг таркибий қисмидаги сўз алмашиш усулига алоҳида эътибор қаратилганлигидан иборат. Фразеологик бирликларнинг окказионал муаллифлик тузилмалари таҳлили давомида олинган илмий хулосалардан луғатларда фразеологик тизимнинг назарий баёнини яратишда фойдаланилиши мумкин.

Илмий тадқиқот натижаларидан инглиз тили ҳамда инглиз тили назарияси фанларини ўқитиш амалиётида, шунингдек, лексикология, фразеология, стилистика, матн лингвистикаси каби назарий фанлардан ўқув адабиётларини яратишда ҳамда ушбу фанлардан семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин. Хулоса ва натижаларни «Контекстда фразеологик семантиканинг фаоллашув принциплари» махсус курсини ўқитишда қўлланилиши мумкин. Мазкур тадқиқот натижалари ҳам ўқитувчиларнинг, ҳам бакалаврият ва магистратура талабаларининг луғат бойлигининг ортишига хизмат қилади. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар лексика ва фразеологиядан академик луғатларни, шунингдек, ўқув фразеологик луғатларни яратишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Контекстда фразеологизмлар семантикасининг фаоллашув принциплари тадқиқи асосида: фразеологик бирлик таркибидаги компонент-сўзларнинг номинация, коммуникатив вазият ва прагматик самарадорлик нуктаи назаридан алмашинуви механизми ёритиб берилган ва турли семантик-структуравий ФБ фаоллашувининг ўзига хосликларининг тизимлаштирилган механизми 2014-2015 йилларда бажарилган И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион лойиҳа

бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 89-03-5383-сонли маълумотномаси). Натижада, социоллингвистика ва прагмалингвистика фанларига нисбатан ёндашувларни такомиллаштириш мақсадида яратилган ўқув-услубий қўлланмалар яратишга хизмат қилган;

- инглизча фразеологизмларнинг муайян контекстуал вазиятлардаги асосий иборавий маъно вариантлари тадқиқ этилган таҳлиллари ҳамда материаллари Самарқанд Давлат чет тиллар институтида Европа Иттифиқи қошида Tempus Project 544161 - TEMPUS-1 -2013-1 -UK.-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL «Developing the Teaching of European Languages: Modernising Language Teaching through the development of blended Masters Programmes» лойиҳаси ижросини таъминлашда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 89-03-53-83-сонли маълумотномаси). Натижада, инновацион тадқиқот лойиҳаси асосида профессор-ўқитувчи ва магистратура мутахассислигида таҳсил олаётган талабаларнинг тилшунослик, лексикология ва инглиз тили фразеологияси борасидаги билимларни ошириш ҳамда таълим жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратилган фан дастурлари, уларнинг контенти ҳамда фразеологик сўзлашгичларни ишлаб чиқишда янги ёндашувларга хизмат қилган;

фразеологик бирликларнинг контекстда семантик ўзгарувчанлиги имкониятларининг узуаллик ва окказионаллик доирасидаги чегараси ҳамда мазкур тадқиқот матнда фразеологик семантиканинг актуаллашуви тамойиллари асосида таҳлил этилган турли фразеологик бирликлар 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун чоп этилган “Краткий англо-французско-русско-узбекский фразеологический словарь” луғатни амалий жиҳатдан бойитишга хизмат қилди. Буларнинг барчаси фразеологик бирликларнинг мазмун-моҳиятини янада тўлақонли очишга хизмат қилди ҳамда тадқиқот иши олдига қўйилган прагматик масаларини ҳал қилиш имкониятини яратди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 89-03-53-83-сонли маълумотномаси). Натижада, ўрганилган фразеологик бирликлар “Краткий англо-французско-русско-узбекский фразеологический словарь” луғатини амалий жиҳатдан бойитишга хизмат қилди;

- инглиз тилидаги фразеологик бирлик контекстуал ва луғавий маъносининг турғун ва ўзгарувчан жиҳатлари ўртасидаги муносабатлар ва контекстда фразеологизмлар семантикасининг фаоллашув принципларини (инглиз тили материали асосида) ўрганишга диссертацион тадқиқот натижалари Самарқанд вилоят СТР телерадиокомпаниясининг «Китоб ва китобхонлик» ҳамда «Инглиз тилини ўрганамиз» кўрсатувларида эфирга узатилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 ноябрдаги 09-01/335-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг мазмун-мундарижаси янги манбалар воситасида тўлдирилиб илмий-

оммабоплиги таъминланган ҳамда тингловчиларнинг инглиз тили фразеологияси борасида базавий кўникмалари шаклланишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари юзасидан 3 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та, хорижий нашрларда 2 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «Фразеологик бирликлар маъно тузилишининг асосий муаммолари» деб номланган биринчи бобида ушбу лисоний ҳодисанинг ўзига хосликларини ёритувчи фразеосемантика муаммолари билан алоқадор истиқболли назариялар ва унинг воқеланишига нисбатан асосий ёндашувлар ўрганилган, шунингдек, фразеологизмларнинг семантик мотивацияланишини намоён бўлиш мезонлари аниқланган.

Маъно, лингвистик категория сифатида тилшуносларни ҳар доим қизиқтирган, қирралари ва турфа хиллиги билан ҳайрон қолдириб, ҳамон эътиборни жалб этади. У лингвокультурология, прагматика, аспектли ва функционал ёндашувлар, антропоцентризм ва бошқа жиҳатлардан таҳлилга тортилган.⁶ О.С.Ахманова фикрига таяниган ҳолда биз ҳам «фақат муайян фразеологик бирлик таркибида сўз эга бўладиган маънони»⁷ тушунамиз. Оказионал маъно дейилганда «ушбу сўзга (ФБ- бизнингча, Н.А.) ушбу нутқий

⁶ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Ашурова Д.У. Взаимодействие когнитивной лингвистики, стилистики и интерпретации текста // Филология масалалари. – Тошкент: УзДЖТУ, 2003. – №2. – С. 40; Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 89 б.; Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита. – Ташкент: Фан. 1999. – 121 с.; Тухтасинов И.М. Оценочная маркированность сложных слов, характеризующих внешность и характер человека // Диалог языков и культур СНГ и ШОС в XXI веке: Сб. матер. VI междунар. Форума. Часть 2. Баку, 2010. – С. 183 – 186; Leech G.N. Semantics. – Harmondsworth: Penguin Books, 2008. – 488 p.

⁷ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Изд. 2-ое. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 164.

йўлланиш контекстида берилган ва одатий, умум қабул қилинганидан фарқланувчи маълум чекинишни ўзида мўъжассамлаштирган «⁸ маъно тушунилади. Инглиз фразеологияси борасида йирик мутахассис А.В.Кунин идиоматиклик даражасига кўра, қуйидаги маъноларни ажратади: 1) яхлит; 2) бўлинувчан-яхлит; 3) қисман қайта англанилган; 4) бўлинувчан⁹.

Фразеосемантикани контекст воситасида ёритиш соҳасидаги ишлар, аввало, коммуникатив ФБ вариатив вазифаларини аниқлашга йўналтирилган. Аксарият лингвистлар ўз диққат-эътиборларини ФБ контекстологик таҳлилига ва окказионал модификацияларига қаратади. Масалан, И.М.Басенко, ФБ контекстуал ўзгаришларини ўрганар экан, ўз диққат-эътиборини уларнинг лингвопрагматик тавсифига қаратади. Бадиий матнда ФБ модификацияланиши усули сифатида фойдаланиладиган сегментация ҳодисаси Н.А.Божко ишларида кузатилади. Замоनावий инновацион жараёнлар ноанъанавий матн турларида ФБ модификацияларини намоён қилади. Масалан, Н.П.Соболева ФБ модификацияларини ўрганишда фильмларнинг реклама матнларидан, Л.М.Мирғалимова ва Е.Ф.Арсентьевалар таҳлил учун Россия ва АҚШ ҳукуматининг интернет блогларидан фойдаланишади.¹⁰

Семантик деривациялар соҳасидаги тадқиқотлар нафақат маъно ўзгаришлари механизмларини топишга, балки яна бу ФБ ўзгаришларга олиб келган сабабларни очишга йўналтирилган. Фразеосемантикани деривация жиҳатдан ўрганиш ихтисослашиш жараёнини (ФБ маълум кенг маънолари йўқотилиб, тор маънога махсус алмаштирилган ҳолларда) ҳамда маъно кенгайишини (ФБ маъноси кенгайган ҳолатини) кузатиш имконини яратади. Хаётий қадриятларнинг ўзгариши билан бирга, кўплаб экстралингвистик омиллар шарофати билан, оламнинг концептуал тасвири ўзгариши натижасида лингвистлар фразеологик семантикага бағишлаган ўз тадқиқотларини деградация кузгуси орқали, яъни ФБ семантикасида эмоционал баҳолашда салбийлик кучайиши ёки, аксинча, ижобий эмоционал баҳо ортиши, яъни элевация жараёни воситасида амалга оширишади.

Тадқиқотларнинг аксарият қисми бир таркибли ёки кўп таркибли тилларга оид фразеологизмлар семантикасини қиёсий ўрганишга бағишланганлиги аниқланган. Масалан, самарқандлик фразеолог Н.З.Насруллаева инглиз ва ўзбек гендер концептлари фразеосемантикасини

⁸Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Изд. 2-ое. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 163.

⁹Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. М.: МО, 1972. – С. 47.

¹⁰Клюжева Н.В., Федуленкова Т.Н. Контекст в выявлении вариативных функций коммуникативных фразеологических единиц (на материале современного английского языка) // Язык и культура. - Томск Издательский Дом Томского государственного университета, 2018. - № 41. - С. 125–138; Басенко И.М. Контекстуальные преобразования фразеологических единиц: лингвопрагматические характеристики: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2011. – 23 с.; Божко Н. А. Сегментация как прием окказионального преобразования фразеологизмов в художественном тексте // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. – Челябинск, 2014. - №9. - С. 178-185; Соболева Н.П. Влияние особенностей контекста на окказиональное использование фразеологических единиц в рекламных слоганах к фильмам // Вестник СПбГУ. – СПб, 2015. - Сер. 9. - Вып. 2. - С. 155-163; Мирғалимова Л.М., Арсентьева Е.Ф. Нарушение семантической устойчивости как один из способов трансформации фразеологических единиц. – Вестник Волжского ун-та, № 2, том.1. –Тольятти, 2017. – С.46-51.

тадқиқ қилади. Россиялик лингвист Е.Ф. Арсентьева қиёсий планда инглиз ва рус тилларида узуал ва окказионал ФБ ўрганар экан, асосий эътиборини адъюнкция – ФБ парчалаб қўллаш, аллюзия, эллипс, таркибни алмаштириш, контекстни фразеологик тўйинтириш, такрор, кенгайтирилган метафора каби модификацияларни ўрганади¹¹.

ФБ модификацион ўзгаришларига тилшунослик фанида доим ҳам бир хил қаралмайди¹². Масалан, А.С. Начисчионе уларни меъёр деб ҳисоблайди, рус тилшуноси В.И.Зуева уларни турғун сўз бирикмаларини бузишнинг стилистик воситаси деб билади, Л.И. Ильицкая ва З.А. Камбаровалар уларни фразеологик бирликларни пароканда бўлиши, яъни услубий-силистик усул сифатида талқин этишади, С.Г. Тер-Минасова ва А.А. Изотовалар уларни ФБ деформациясига қўшишади. Бизнингча, ФБ контекстда окказионал қўлланиши – бу фразеологизмнинг нутқда ўзига хос воқеланишидир. Бунда ФБ семантикасининг трансформацияси – бу қоида бузилиши бўлмасдан, балки нутқий меъёр, фразеологизмнинг нутқий фаоллашуви қонуниятидир.

ФБ маъносининг окказионал модификацияланиши фразеологизмларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари туфайли юз беради, жумладан: 1) турлича шаклланиши; 2) семантик икки планлилиқ. Бунда фразеосемантиканинг модификациясига кўпинча шундай усуллар ёрдамида эришилади: 1) адъюнкция (ФБ асосий таркибига қўшимча компонент киритиш); 2) субституция (фразеологизм таркибий компонентини (ёки компонентларини) алмаштириш).

ФБ маъно трансформацияси натижасида олинадиган кутилмаган самара, шунингдек, стилистик йўналган бўлади ва окказионал ФБ узуал (тил бирлиги) билан қиёслаш орқали эришилади. Фразеологизмлар маъносининг модификациялари реал борлиқни образлироқ ва бойроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Умумэътирофига кўра ФБ энг кўп қўлланиладиган окказионал тузилмалари бу алмаштиришдир, бунда таркибдаги алоҳида бир компонент ҳам, бир нечтаси ҳам алмаштирилиши мумкин. Е.Ф. Арсентьев таъкидлашича¹³, алмаштирувчи ва алмашувчи компонентлар ўртасида маълум

¹¹Насруллаева Н.З. Гендерные концепты в английской и узбекской фразеологии. // Монография. – Ташкент: «Фан ва технологиялар», 2018. – 144 с.; Арсентьева Е.Ф. Фразеология и фразеография в сопоставительном аспекте (на материале русского и английского языков) - Казань: Казан. гос. Ун-т, 2006. – 172 с.

¹²Начисчионе А.С. О разграничении вклинивания и разрыва как самостоятельных стилистических приемов при окказиональном использовании фразеологических единиц в речи // Контекстуальная семантика. – Рига, 1982. – С. 86-91; Зуева В.И. Стилистическое средство разрушения устойчивых словосочетаний в произведениях английских и американских писателей // Уч. зап. МГПИИЯ им. М. Горька. Т. 30. – М., 1964. – С. 29-35; Ильицкая Л.И. Разложение фразеологических единиц как стилистический прием // Иностранные языки в высшей школе. Вып. II. – М., 1963. – С. 79-85; Камбарова З.А. Разложение фразеологических единиц в языке английской газеты // Уч. зап. МГПИИЯ им. М. Горька. Вып. 94. – М., 1976. – С. 49-57; Тер-Минасова С.Г. Деформация фразеологических единиц как лингвистическое средство (на материале английской детской художественной литературы) // Вестник МГУ. Филология. – № 5. – М., 1968. – С. 67-73; Изотова А.А. Деформация английских фразеологических единиц в функциональном освещении // Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1992 – 26 с.

¹³Арсентьева Е.Ф. Фразеология и фразеография в сопоставительном аспекте (на материале русского и английского языков) /. – Казань: Казан. гос. Ун-т, 2006. – С. 82.

бир тизимли алоқадорлик мавжуд бўлади, яъни улар синонимик, антонимик, омонимик алоқага киришади, бир тематик гуруҳга мансуб бўлади. Бунда алмашинувни фразеологизм замирида ётган образнинг ўзига хослиги, таркибий тузилиши ҳамда контекстаги коммуникатив ва прагматик вазифалари билан шарҳлаш мумкин.

Таҳлил давомида биз фразеологизмларнинг семантикаси ва тузилиши жиҳатидан модификацияларини ўргандик. Бу маънода Н. Е. Булаева и М. М. Давидовалар¹⁴ томонидан таклиф этилган таснифлар муваффақиятли чиққан дейиш мумкин. Улар окказионал ўзгаришларни 3 типга ажратишади: а) фразеологизм таркиби сақланган ҳолда мазмуни модификацияланади, б) фразеологизм маъно ва таркиб жиҳатдан арзимас ўзгаришларга учрайди, в) таркиб ва семантик жиҳатдан тўлиқ ўзгаради. Шунингдек, И.Ю.Третьякова таснифи ҳам эътиборга молик. Олима ўзгаришларни қуйидаги турларга ажратади: 1) узуал ФБ окказионал вариантлари; 2) окказионал ФБ. Биринчилари ФБ инварианти билан фарқланмайди, аммо иккинчилари инвариант билан сезиларли фарқланади, бу семантик жиҳатдан ҳам, таркибий жиҳатдан ҳам кузатилади ёки уларнинг биттасида акс этади¹⁵.

Ижтимоий ҳаётда модификацияланган ФБ изчил қўлланиши фразеологизмнинг янги маъно кашф этишига олиб келади. ФБ семантикасидаги ўзгаришларни коммуникация-мулоқот жараёнида англашилмовчиликка йўл қўймаслик учун инобатга олиш зарур. Инглиз тилидаги фразеологизмларнинг окказионал ўзгаришлари потенциал нутқий имкониятлар тасвирини кўрсатади. Бироқ бундай ўзгаришлар етарли даражада тизимга солинмаган ва илмий ўрганиш зарурати мавжуд.

Диссертациянинг «Инглиз тили фразеологизмларининг контекста семантик ўзгаришлари қонуниятлари» деб номланган иккинчи бобида фразеологик бирликларнинг контекстуал ўзгаришлари тадқиқининг асосий тамойиллари ёритилган, электрон луғатларда фразеологизмлар семантикасининг ўзгаришларини берилишини ўзига хосликлари аниқланган, луғат дефинициялари асосида фразеологизмлар маъносининг ўзгариш имкониятлари потенциали прогноз қилинган, фразеологизмлар семантикаси ўзгаришларининг экстралингвистик сабаблари очиб берилган, фразеологизмлар семантикасининг луғат мақолалари контекстида фарқланишлари ва модификациялари таҳлил қилинган, контекста фразеологик бирликлар маъноларининг турғун ва ўзгарувчан белгилари фаоллашуви ёритилган.

Фразеологизмлар семантикасининг ўзгаришларини илмий ўрганишда ФБ замонавий луғат ва матнлар материали асосида контекстуал ўрганиш биринчи

¹⁴Булаева Н.Е., Давыдова М.М. Окказиональные преобразования фразеологических единиц // Российский гуманитарный журнал. – СПб: Социально-гуманитарное знание, 2018. – Том 7. – № 6 – С. 482–489.

¹⁵Третьякова И.Ю. Окказиональная фразеология (структурно-семантический и коммуникативно-прагматический аспекты): Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. – Ярославль, 2011. – 50 с.

даражали аҳамият касб этади¹⁶. Луғатларда ФБ дефинициясини тақдим этиш муаллиф ёндашувига боғлиқ. Тадқиқот давомида лексикографик манбалар таҳлили, ФБ таркибида бир компонент шарҳининг луғатлардаги фарқланиши кузатилди. Бу ҳолат маъноларни идрок этишни субъективлаштиришга олиб келади. Масалан, баъзи луғатлар талқинида асос сифатида алоҳида бир белги кўрсатилиши мумкин, бу бошқа лексикографик манбадаги белгидан фарқланади. Агар тадқиқотчи луғатлардан фақат биттасидан фойдаланса, ФБ ўзгаришлари имконияти ўша луғатда кўрсатилган белги билан аниқланади, ўша белги асосий бўлиб қолади.

Мабодо луғат мақоласида икки хил маъно ифодаловчи сўз мавжуд бўлса, бу ФБ хато тушинишга ёки икки хил талқинига олиб келади. Бундай ҳолларда ФБ ўзгаришлари феноменини ўрганиш қийинлашади. Масалан, *someone is one sandwich short of a picnic*:

1) said to indicate in a humorous way that you think someone is very stupid or is behaving very strangely. Масалан: *His daughter confirmed that her father was definitely one sandwich short of a picnic*¹⁷;

2) A pejorative phrase meaning not very intelligent or of questionable mental capacity. It can appear in many different forms and variations (for example: *one card short of a full deck, one brick shy of a full load, etc.*). Масалан, *The new manager is nice enough, but he's one sandwich short of a picnic, if you ask me*;

3) Шунингдек, not very smart маъносида ҳазил оҳанги билан ҳам қўлланади; lacking intelligence. Масалан, *Poor Bob just isn't too bright. He's one sandwich short of a picnic. She's not stupid. Just one sandwich short of a picnic*¹⁸;

4) Someone who is not altogether in the mental sense; nevertheless someone who can be considered a blundering dumbass. Ср.:

– Dude 1: Why is that guy rolling little pieces of crap into shapes?

– Dude 2: I believe he is "a few sandwiches short of a picnic" better let him be¹⁹;

5) (idiomatic) Exhibiting disquiet or unsoundness of mind; not sane; mad. Масалан, *I think the lady down the road is a few sandwiches short of a picnic – you often hear strange bangings at odd hours in the morning*²⁰.

One sandwich short of a picnic ФБ шундай турғун белгиларга эга: жонли, муайян ақлий қобилият даражаси мавжуд. ФБ семантикасининг ўзгаришлари қўлланиш контекстидан келиб чиқиб интеллектуал ва психологик хоссалари даражасининг ўзгаришлари асосига қурилади. Масалан, биринчи талқинда «хатти-ҳаракатидаги ғайритабиийлик» ва «ўта нодон (одам ҳақида)» ФБ

¹⁶BushuyT.A. Contextual actualization of phraseology in english expressions // Scientific enquiry in the contemporary world: Theoretical basics and innovative approach. Vol. 3. Philology. – San Francisco, California, USA: B and M Publishing, 2015. – P. 81-84..

¹⁷Collins English Dictionary URL: <https://www.collinsdictionary.com/> [CED].

¹⁸The Free Dictionary. URL: www.thefreedictionary.com/ [FD].

¹⁹Urban Dictionary. URL: www.urbandictionary.com/ [UD].

²⁰Your dictionary // URL: <https://www.yourdictionary.com/> The American Heritage® Dictionary of the English Language, 5th edition, Webster's New World College Dictionary, Wiktionary, and Ologies & Isms, the Webster's New World Roget's A-Z Thesaurus. [YD].

ўзгарувчан белгилари сифатида ҳажвий оҳангда изоҳлайди. Иккинчи мисол, ФБ негатив-салбий оҳанг билан шарҳлайди. «Not very intelligent», «of questionable mental capacity», «not altogether in the mental sense», «disquiet or unsoundness of mind; not sane; mad» кабилар иштирокидаги талқин янги маъно оҳанглари хосил қилади ва ўзгаришга бошлайди. Mental сўзининг семантик хоссаси рус тилига таржима қилинганда икки хил. Уни «ақлий» ёки «психик» бузилиш тарзида ўгириши мумкин, мазкур икки хиллик маъно мавҳумлигини келтириб чиқаради ва фақат контекст кўмагида ФБ идентификациялаб, аниқлик киритиш лозим бўлади.

ФБ семантикасининг ўзгаришлари муаммоси турли типдаги луғатлар билан ишлашда ўзига хослик касб этади. Масалан, бир тилли ёки икки тилли луғатлар доирасида ФБ ўзгарувчанлиги бир хил мезонлар асосида ўрганилиши мумкин эмас. Луғат фойдаланувчиси тил эгаси бўлмаса, инглизча луғат мақоласида ФБ семантик талқинини тушуниш коммуникатив актда ФБ қўлланиши борасида кўп миқдордаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабаби тил ва маданиятни яхши билмаслик, ФБ маъносини бошқача идрок этиш, ўз она тили воқелигини инглиз тилига кўчириши кабилар ҳисобланади. ФБ қўллаш ва мослаштириш бу ҳолатда, аниқ вазиятда сўзловчи позициясидан қисман қайта англанишга олиб келади.

Инглизча-русча фразеологик луғат билан ишлашда контекстда ўзгаришлар миқдори муайян доира билан чекланиши мумкин, чунки рус тили эгаси бўлган фойдаланувчи ФБ маъносини кенгроқ идрок этади. Масалан, А.В.Куниининг инглизча-русча луғати ФБ қатор эквивалентларини, ўхшашларини, калкалашганларини, антонимларини ва таржима баёнини тақдим этади. Аммо шундай омилни ҳам инобатга олиш лозимки, луғат фойдаланувчиси учун инглиз тили она тили эмас, аммо унинг билим даражаси С1 ёки С2га тенг бўлса, ФБ идрок этиш ва қўллаш борасида қийинчилик туғилмайди ва ўзгаришлар миқдори талқинларнинг умулашганлик даражасига, тасвир воқелигидан узоқлашувига боғлиқ. Шу тарзда, кенг маъноли талқинларда ўзгаришлар миқдори ошади. Бир тилли ва икки тили луғатларда ФБ мисолларни кўриб чиқамиз:

1) make smb's mouth water биринчи маъноси «кимнидир иштаҳасини очиш». Масалан, ... and a melons that made your mouth water!²¹ Иккинчи маъноси «кимнидир қизиқишини уйғотиш, ҳасадини келтириш»²². Иккинчи маъносида А.В. Кунин фарқларни турлича баҳо билан беради, «кимнидир қизиқишини уйғотиш» маъноли ФБ ўзгариши имконияти маъно ўзгариши ижобий-позитив оҳангда олдиндан айтилади, прогнозланади, «кимнидир ҳасадини келтириш» эса салбий оҳанг юқорилиги билан ўзгариш қилиши мумкин.

²¹Galsworthy J. Forsyte Saga. – Portland: The Floating Press, 2009. – P. 1520.

²²Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 4-е. – М., 1984. – С.518 [АРФС].

2) ФЕ make smb's mouth water в словаре Collins English Dictionary толкуется как to create a desire or appetite in someone; be or seem tasty²³. This guy will make your mouth water!²⁴ Сўнгги луғат дефинициялари таҳлили кўрсатадики, семантик ўзгаришларда ижобий оҳанг кўпроқ кузатилади, ҳасад оҳанги умуман инобатга ҳам олинмаган.

Аниқландики, биринчидан, муайян бир ФБ семантикасини ёритишда муаллифлар айрим луғатларда бир нечта маънони киритишади, бошқалари бир маъно билан чегараланишади. Иккинчидан, айрим ФБ бир луғатда мавжуд бўлмасдан, бошқасига киритилганлиги тамойили кузатилди, бу эса ФБ семантикасидаги ўзгаришларни ўрганиш имкониятини чеклайди. Учинчидан, бир луғатда маълум бир компонентли ФБ қайд этилганлиги, аммо бошқа манбаларда бошқа компонентлари билан берилганлиги ҳам кузатилди. Феъл таркибли ФБ таркибий қисмидаги феълнинг ўзгариши тамойили ҳам мавжудлиги қайд этилди.

ФБ семантикасининг кўп маъноли эканлиги фразеологик бирликни муайян контекстда маънолардан бирига тааллуқли эканлигини кўрсатишда қийинчилик туғдиради. ФБ белгиларининг қайси бири ўзгарганлиги бу ўзгаришнинг биринчи ёки бошқа маънога тегишли эканлигини ёки маънолар кесишмасида амалга оширилаётганлигини тушуниш мураккаб кечади. Масалан, give way.

1) ортга чекиниш, йўл бериш, тарқалиш, орани очиш, силжиш, ўтказиб юбориш. Масалан, The crowd gave way, and one by one the prisoners were thrust in²⁵.

2) (to smb. или smth.) тан бериш, бирон кимсага ёки нарсага бўй бериш, ўз позициясини топшириш; бирон нарсага жой бўшатиш, бирон нарса билан алмашиниш. Масалан, In the beginning he had been watched with anxiety, perhaps even with misgiving. But soon this gave way to open admiration²⁶. I've heard rumors of the story - what really happened?' she asked, the woman in her giving way to the reporter²⁷. Ҳар иккала мисол ҳам «бирон нарсада алмашиниш» маъносида келмоқда.

Қиёсланг: Sir H: «I am not giving way, so the hon. member need not get ants in his pants. I have only two minutes and he took too long anyway». «The Government must not give way to political blackmail from the arms kings». Иккала мисол ҳам «жой бўшатиш» маъносида келмоқда.

